Д.Б.Бахромова,
1-тоифали мутахассис

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲОЛАТИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Ҳозирги бозор иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида республикамиз ва унинг ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан ҳисобланмоқда. Ушбу соҳа фаолиятини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан бир қатор имкониятлар ва имтиёзлар яратилиб, комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шу ўринда, муҳтарам юртбошимиз томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ҳам бунинг яққол мисолидир ва бу кичик бизнес субъектлари сонининг ортишига, якка тартибдаги тадбиркорларнинг, кичик корхона ва микрофирмаларнинг кўпайишига замин яратмоқда.

Кичик бизнес соҳасини мамлакатимиз ҳудудларида ҳам мақсадли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада муҳтарам юртбошимиз И.А. Каримов ҳам таъкидлаганларидек, **“Мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим”**[1].

Муҳтарам Президентимиз томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг юритилиши натижасида тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик шароитини яратишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб боришни соддалаштиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юритиш шаклларини ривожлантириш, бу борадаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Солиқ кодекси», «Ижара тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, ва Вазирлар Маҳкамасининг микрофирмаларни ислоҳ қилиш борасидаги қатор қарорлари қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2011 йилнинг биринчи ярмида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси ташкил этилди, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўринлари яратилди.

[1] Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

Кичик бизнес корхоналарининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 %, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация қилиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди[2].

Ҳозирда мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш масалалари жуда катта эътиборни тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, республиканинг барча ҳудудларига замонавий, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган техника-технологияларни олиб кириш, саноатни, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, савдо, аҳолига тиббий ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришни талаб этади.

Шунингдек, **Қашқадарё вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини такомиллаштиришга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини кўпайтиришга, касаначиликка кенг йўл очиб беришга ҳамда турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга юқори даражада эътибор қаратилмоқда.** Айниқса, вилоятнинг чекка-чекка ҳудудларида бу соҳаларнинг жадал суъратларда ривожлантирилиши қишлоқ ёшлари ва хотин-қизлари, ногиронлар ва кўп болали оналарнинг иш билан бандлигини оқилона таъминланиши учун улкан имкониятлар яратади.

Статистик маълумотларга қараганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоятда рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (фермер хўжаликларисиз) 44439 тани ташкил қилди. Жорий йилнинг январь - декабрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг 55,0 %и кичик бизнес субъектлари томонидан (2009 йил январь - декабрида 52,6 %), шу жумладан 34,2 %и кичик корхоналар ва микрофирмалар, 10,2 %и якка тадбиркорлар, 10,6 %и деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг кичик сектори иқтисодиётдаги жами бандликнинг 74,9 % (727,4 минг киши) бандлигини таъминлади. Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 28,2 %га ўсди ва 981,6 млрд. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 24,8 %и), қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 7,2 %га ўсиб, 1320,2 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,3 %и) ташкил қилди.

2010 йилда вилоят иқтисодиётида бажарилган қурилиш ишларининг 65,8 %и кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Кичик бизнес субъектларининг автомобиль транспортида юк ташиши 3,8 %га ошди. Вилоятда автомобиль транспортида юк ташиш 63,0 %ни ташкил этди. Йўловчи ташиш эса 8,7 %га кўпайиб, умумий йўловчи ташишнинг 85,7 %ини ташкил этди.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 582,7 млрд. сўми ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 77,9 %и ёки 293,9 млрд. сўми кичик тадбиркорликда шаклланди.

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг “Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида”ги ҳисоботи ҳақида. //Халқ сўзи, 2011 йил 21 июль, 142-сон, 2-б.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси 57188,8 минг АҚШ долларига етиб, вилоят бўйича жами ташқи савдо айланмасининг 13,2 %ини ташкил қилди. 2010 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 30378,2 минг. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиниб, бу умумий экспортнинг 9,6 %ини, маҳсулот импорти эса 26810,6 минг АҚШ доллари ёки умумий импорт ҳажмининг 28,4 %ини ташкил қилди.



1-расм. **Қашқадарё вилоятининг иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида),**

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган маҳсулот ҳажмининг энг юқори улуши қишлоқ хўжалиги (1320,2 млрд.сўм) ҳамда саноат (981,6 млрд.сўм) соҳаларига тўғри келмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

2010 йил январь-декабрида маҳсулоти (иш, хизмат) умумий ҳажмида кичик бизнес (хусусий тадбиркорлик)нинг улуши

Кўрсаткичлар	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида тадбиркорлик улуши, % ҳисобида
Саноат	981,6	24,8
Қишлоқ хўжалиги	1320,2	99,3
Қурилиш	447,1	65,8
Чакана савдо	582,7	44,3
Пуллик хизмат	293,9	77,9
Юк ташиш, млн.тн	20,8	63,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	282,8	88,7
Экспорт, минг. АҚШ долл.	30378,2	9,0
Импорт, минг. АҚШ долл.	26810,6	28,4

Манба: Қашқадарё вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида экспорт ва импортнинг ҳам салмоғи юқори кўрсаткични бермоқда. Шундан, юк ташиш (20,8 млрд.сўм) соҳасининг улуши паст кўрсаткичга эга эканлигини кузатиш мумкин.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, вилоятда 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 78651 тага етган бўлиб, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 73614 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,6 %и) ташкил қилди.

2010 йилда рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 74,5 %и), савдо ва умумий овқатланиш (10,6 %и), саноат (3,3 %и) ва қурилиш (3,6 %и) соҳаларига тўғри келади.

Статистик маълумотларга кўра, вилоятда рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 95,8 %и нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, 71,2 %и фермер ва деҳқон хўжаликлари, 16,7 %и хусусий корхоналар, 0,1 %и чет эл

сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 %и акциядорлик жамиятлари, 7,7 %и бошқа корхоналар улушига тўғри келди (2-расм).

2010 йилда жами 4705 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Шаҳрисабз тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 18,7 %и), Яккабоғ туман (12,0 %), Чироқчи туман (10,5 %) ва Қарши шаҳри (10,2 %)га тўғри келади.





2-расм. **Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар - юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши.**

Демак, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларини ислоҳ қилиш ва мулкий муносабатларни такомиллаштириш йўналишида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таркиби, мазмун ва моҳиятида кескин ижобий ўзгаришлар юз берди. Ушбу ўзгаришлар заминида кичик тадбиркорликнинг турли мулкчилик шаклини ривожлантириш орқали ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ҳудудларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш йўлидаги катта эътибор натижасидир.